

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 23 декабрь • № 51 (864)

Болалар саломатлиги ҳафталиги

ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ СОҒЛИГИ – МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ



Эътироф этиш жоизки, юртимизда Президентимиз томонидан фарзандларимиз саломатлигига бўлган эътибор ва ғамхўрлик туфайли, бу борада эришилаётган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, 2011 йилда Буюк Британиянинг «Save the Children» («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан Ўзбекистон болалар тиббиёти даражаси бўйича жаҳоннинг энг яхши ривожланган ўнлик қаторига киритилди.

Шунингдек, 25-26 ноябрь кунлари пойтахтимизда «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Миллий модели «Соғлом она – соғлом бола» мавзuidaги халқаро симпозиумнинг нуфузли даражада ўтказилганлиги ва бу борада эришилаётган ютуқлар қирққа яқин давлатлардан ташриф буюрган соҳа мутахассисларининг эътирофига муносиб деб топилди. Фахр билан айтиш жоизки, симпо-

зиумда иштирок этган хорижлик мутахассислар томонидан ҳанузгача билдирилаётган илиқ фикрлар Ўзбекистон тиббиётининг жаҳонда ўз ўрнига эга эканлигини яна бир бор кўрсатмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтишни жоиз деб билдикки, мазкур симпозиумда ЖССТ бош директори Маргарет Чен ўз маърузасида қуйидаги эътирофли фикрларни келтирди: «Менга Ўзбекистонда аҳолини изчил ва самарали эмлаш дастури муваф-

фақиятли амалга оширилаётгани ҳақида маълумот беришди. Бундай ёндашув, айниқса, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, аҳоли ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган хавфли юқумли касалликларни тез аниқлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан она ва бола саломатлиги энг устувор вазифа сифатида белгиланди». Ҳа, Ўзбекистон тиббиётининг бундай ютуқлари нуфузли меҳмон томонидан тилга олиниши бежиз эмас. Чунки бу борадаги саъй-ҳаракатлар туфайли ўтган 20 йил давомида оналар ва болалар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Албатта, юқоридаги фикрлар уйғунлиги сифатида эришилаётган муваффақиятлар тўғрисида қўллаб-қувватлаш келтиришимиз мумкин.

Айниқса, фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бир қанча халқаро ташкилотлар томонидан ҳамкорлик ишлари самарали тарзда олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, ўсиб келаётган авлоднинг соғлом ва баркамол ўсишида эмлаш ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳамда витаминлар билан таъминланаётганлиги, уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Жорий йилнинг 19 декабрдан 24 декабргача Республика миқёсида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда қабул қилинган миллий дастур бўйича витамин «А» саплементациясининг навбатдаги 17-тури давом этмоқда. Унда 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларга витамин «А» берилиши кўзда тутилган. Мазкур жараёнлар билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳри ҳамда вилоятининг оилавий ва марказий поликлиника, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, тиббиёт ходимлари ва оналар билан суҳбатда бўлдик.

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 50-оилавий поликлиникага кириб борар эканмиз, кўтаринки кайфиятда навбатда турган она ва болаларга кўзимиз тушиб, уларнинг фарзандлари соғлиги ва тиббиётга бўлган эътиборлари ижобий эканлигининг гувоҳи бўлдик.

– Фарзандларимиз соғлиги бу албатта, миллатимиз келажагидир. Бу борада давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган одилона сиёсатлари эртанги авлодларимизнинг жамият тараққиёти янада юксалишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Шундай экан, болаларимиз соғлигини мустаҳкамлаш борасида эмлаш ишлари тўғри йўлга қўйилганлиги юқумли касалликларнинг олдини олишда ва уларни бартараф этишда асосий ўринга эга бўлмоқда. Ушбу бир ҳафта давомида «Болалар саломатлиги ҳафталиги» доирасидаги ўтказилаётган витамин «А» бўйича саплементацияси 17 турини 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида олиб борилаётганлиги уларнинг соғлом ўсишларида, албатта, ўз натижасини кўрсатади. Бунда 6 ойликдан 1 ёшгача бўлган ҳамда 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларга меъёр даражасидаги А витамини берилади. Уни болаларга бериш жараёнида шифокор ва эмлаш ҳамшираси тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда иш олиб боради. Бу йўналишда ССВ ҳамда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти томонидан мутахассислар ўқитилиб, уларга махсус сертификатлар берилган. Пойтахтимиз бўйича 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган 175 минг нафар болалар эмланиши кўзда тутилган. Айниқса, ҳафталикка келаётган оналарнинг тиббиётга бўлган ишончи бизни ниҳоятда қувонтирди, – дейди Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бош педиатри Ноила Мухаммедова.

– Ўтказилаётган ушбу ҳафталикка фарзандларим Паризода ва Зиедаларни олиб келдим. Аввалги турларда ҳам витамин «А» саплементациясининг қабул (Давоми 2-бетда).

Тошкент
шаҳриТошкент
вилояти

Болалар саломатлиги ҳафталиги

Жиззах
шаҳри

ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ СОҒЛИГИ - МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ



қилганмиз. Поли-
клиникага келиши-
миздан олдин пат-
ронаж ҳамширалари
бу тўғрида маъ-
лумотлар беришган
эди. Шу нарсага
амин бўлдимки, А
витамины фарзанд-
ларим саломатлиги-
ни тиклаш ҳамда
иммунитетини кўта-
ришда асосий ўрин-
га эга бўлиб кел-
моқда. Бунинг баро-
баридеда берил-
ган витаминнинг бе-
пуллик ва Юрт-
бошимизнинг фар-
зандларимизга кўр-
саётган ғамхўрлик-
лари деб биламан,
– дейди Дилафрўз
Фармонова.

Шунингдек, 46-оилавий поликли-
никада ҳам бўлганимизда жараён-
лар кизгинлик билан кетаётганли-
гини кўрдик.

– Бошланган ушбу ҳафталикда фаол
иштирок этган ота-оналарни кўриб,
кўнглимиз кўтарилди. Режа бўйича 1809
нафар болаларни эмлаш кўзда тутил-



ган. Ҳафталик учун
барча шароитлар яра-
тилган ва махсус ўқи-
тилган мутахассислар
томонидан жараёнлар
меъёрий қоидаларга
риоя қилган ҳолда
амалга оширилмоқда.
Болалар икки, яъни:
уюлмаган (уйда тар-
бияланаётганлар) ва
уюшган (боғча тарби-
яланувчилари) гуруҳ-
ларга бўлинган ҳолда эмланадилар. Мак-
табгача тарбия муассасаларидаги ҳамши-
ралар боғчанинг ўзида фаолиятни амал-
га оширадilar ва бизга ҳисоботни тақ-
дим этадилар, – дейди 46-оилавий поли-
клиниканинг бош шифокор муовини
Дилором Толипова.

– Мазкур ҳафталикка икки нафар
фарзандимни олиб келдим. Болала-
римдаги кўтаринкиликни кўриб, ўзим
ҳам қувондим. Чунки поликлиникага
кираверишда эмлаш хоналарининг
болаларга хос тарзда безалганлиги

уларнинг оилаларимизга кириб бориши,
соғлигимиз учун қайғуришлари бизни тиббиёт-
га бўлган ихлосимизни оширмоқда. Бугунги
ҳафталикка ҳам фарзандларим билан кўта-
ринки кайфиятда келдик. А витаминининг бо-
лаларим саломатлиги учун муҳим ва бе-
пул эканлиги мени яна бир бор қувонтириб,
давлатимиз раҳбари, Соғлиқни сақлаш вази-
рлигига ўз миннатдорчилигимни билдиргим
келди, – дейди Шохида Расулова.

– Ўтказилаётган ҳар бир эмлаш жара-
ёнлари эмлаш ҳамшираларидан катта
масъулият талаб қилади. Мазкур йўна-
лишнинг ўзига хос меъёрий тартиблари
бўлиб, ҳар бир санитария-гигиена қоида-
ларига риоя қилишимиз муҳим. Ушбу
ҳафталик бўйича ҳам махсус ўқув-семи-
нарларда иштирок этиб, сертификатни
кўлга киритганман. Ишимизнинг муваф-




фақиятли томони шундаки, болалар ора-
сида юқумли касалликларни вақтида бар-
тараф этишга эришяпмиз. Шунингдек,
оилаларнинг тиббиётга бўлган ҳурмати
бизни қувонтиради, – дейди эмлаш
ҳамшираси Феруза Исроилова.

Шунингдек, Тошкент вилояти, Зан-
гиота тумани, Назарбек қишлоқ
врачлик пунктида бўлганимизда ҳам
тиббиёт ходимлари томонидан ҳаф-
талик бўйича амалга оширилаётган
ишларга гувоҳ бўлдик.

– Оммавий тарзда ўтказилаётган «Бо-
лалар саломатлиги ҳафталиги»да ишти-
рок этаётган ҳар бир ота-онанинг А ви-
тамини ҳақида чуқур маълумотга эга экан-
лиги ва келажақда фарзанд соғлиги учун
муҳим ўрин тутиши тўғрисидаги ижобий
фикрларидан мамнунмиз. Болаларимизга
витамины меъёрий даражада бера-
ётган тиббиёт ходимларимизнинг барча-
си ўқув-семинарларида қатнашиб, мах-
сус сертификат асосида иш олиб бор-
моқдалар, – дейди Тошкент вилоят
соғлиқни сақлаш бошқармасининг
бош педиатри Раъно Ҳакимова.

– Ифтихор билан айтишим жоизки,
давлатимиз раҳбарининг оналик ва бо-
лаларнинг муҳофаза қилиш борасидаги
эътибор ҳамда ғамхўрликлари ҳудудимиз
аҳолисини янада мамнун этмоқда. Ай-
ниқса, фарзандларимизни ўз вақтида эм-
лаш, тиббий кўриклардан ўтказиш иш-
лари изчиллик билан олиб борилаётган-
лиги болалар орасида юқумли касаллик-
ларнинг олдини олиш ва саломатликла-
рини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйна-
моқда. Шу жумладан, 19 декабрдан 24
декабргача ҳудудимиздаги 2115 нафар 6



ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар ора-
сида А витамини саплементациясининг
навбатдаги 17-тури ўтказилаётганлиги
ҳам келажагимиз бўлган фарзандлари-
мизнинг соғлиги йўлидаги эзгу ишлар-
дан бири эканлиги ҳеч биримизга сир
эмас. Президентимизнинг бирламчи
бўғинга қаратаётган эътиборларининг
аҳамияти шундаки, аҳолига кўрсатила-
ётган тиббий хизматнинг бепуллиги
уларга ҳар томонлама энгиллик туғди-
рмоқда, – дейди Назарбек қишлоқ
врачлик пунктининг мудирини Максуд
Ворисова.

Жиззах шаҳрининг 2-оилавий поли-
клиникасида ҳам «Болалар сало-
матлиги ҳафталиги» доирасидаги тад-
бир изчиллик билан давом этмоқда.

– Фарзандларимизнинг соғлиги – бу
миллатимиз келажаги, шунингдек, Вата-
нимиз равнақи улар кўлида эканлиги ҳар
бир ота-она учун фахрдир. Шундай экан,
бундай эзгу мақсадларни амалга оши-
ришда давлатимиз раҳбари раҳнамоли-
гида катта ишлар қилинмоқда. Навбатда-
ги болалар орасида А витамини танқис-
лигининг олдини олиш ҳамда Соғлиқни
сақлаш вазирлигининг ЮНИСЕФ ташки-
лоти билан ҳамкорликда қабул қилинган
миллий дастури бўйича 17-турнинг ўт-
казилаётганлиги ҳам болаларимиз сало-
матлигини тиклашдаги муҳим омиллардан
биридир. Вилоятимизда ҳафталик дои-
расидаги ишлар яхши ташкил этилган
бўлиб, 6 ойликдан 5 ёшгача бўлган бо-



лаларга А витамини томизилиши ўқув-
семинарларида махсус тайёрланган
тиббиёт ходимлари томонидан олиб
борилмоқда. Жумладан, 2-оилавий поли-
клиникада ҳафта давомида 2101 на-
фар бола витамин билан таъминлани-
ши режалаштирилган. Поликлиникада
асосан 2 та хона ташкил этилган бўлиб,
биринчисиде 6 ойликдан 1 ёшгача, 2-
хонада эса бир ёшдан юқори бўлган
болаларга хизмат кўрсатилмоқда, –
дейди Жиззах вилоят соғлиқни сақ-
лаш бошқармасининг бош педиатри
Баҳром Кенжабоев.



1-2-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.



уларнинг кайфиятини яхшилади. Ҳат-
то, оқ халатли опаларини кўришган-
да ҳам кўрқув сезишмади. Бу ўринда
тиббиёт ходимларининг самимийли-
ги, меҳрибонлиги ҳам асосий ўринга
эга бўлди, – дейди Муҳайё Аҳмадна-
зарова.

Тошкент вилоятининг Зангиота ту-
ман кўп тармоқли марказий поликли-
никасида ташриф буюрар эканмиз,
аввало, замон талаблари даражаси-
да таъмирланган тиббиёт муассаса-
сининг ички ва ташқи кўриниши
ҳамда шарт-шароитлари эътибори-
мизни ўзига жалб этди. Айниқса,
ана шундай кўзни қувонтирадиган
муассасага кириб келаётган ва чи-
қиб кетаётган аҳолининг мамнунли-
гини кўриб, юртимизда тиббиёт со-
ҳасига қаратилган эътибор юқори
эканлигига яна бир бор амин бўл-
дик.

– Режа бўйича 1908 нафар 6 ой-
ликдан 5 ёшгача бўлган болаларга А
витамины саплементациясини бе-
пул бериш кўзда тутилган. Қувонарлиси
шундаки, аҳоли орасида олиб борил-
ган тарғибот ишлари тўғрисида ҳар
бир эмлаш жараёнларида ота-она-
лар фарзандлари билан фаол ишти-
рок этишади. Ҳатто, тўлиқ маълумот-
га эга бўлиш учун керакли тарқатма
материал ҳамда маслаҳатларимизни
олишади. Ҳафталик давомида уюш-

(Давоми. Боши 1-бетда).



маган болалар қаторида уюшган, яъни
3 та мактабгача тарбия муассасалари-
да тарбияланаётган болалар ҳам эм-
ланади. Бундан ташқари, поликлини-
камизда шароити тақозо қилмаган
оилаларга эмлаш ҳамширалари томо-
нидан А витамини жойида етказилмоқ-
да, – дейди марказий поликлини-
канинг болалар бўлими мудирини
Машкура Икромова.

– Фарзандларим Асадбек ва Авазбеклар-
нинг соғлом ўсаётганлигидан хурсандман.
Мени ва фарзандларимнинг саломатлигини
мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшаётган тиб-
биёт ходимларидан мамнунман. Айниқса,

Назорат ва таҳлил

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ: КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Тезкор ва шиддатли даврда яшаймиз. Энг асосийси, вақт бизни ҳеч қачон кутиб турмайди. Ҳар бир соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар замирида инсон ва унинг манфаатлари ётади. Зеро, бугунги кунда жамият тараққиёти юксалишида юртимизнинг жаҳон ҳам-жамиятида ўз ўрни борлиги қувонарли ҳол. Демак, эришилаётган ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Унинг ортида халқимизнинг машаққатли меҳнати бор. Ана шундай муваффақиятларга эришишда тўғрилиқ, соф виждонлик, давлат мулкига хиёнат қилмаслик каби хислатлар асосий ўрин тутганини жуда яхши биламиз. Лекин, айрим ҳолларда юқоридаги хислатларга амал қилмаган шахслар жиноятга қўл урадилар. Хулоса қилиб айтганда, бундай жиноятлар кўчиси коррупция атамасини ифода этади. Бугунги мақоламизни бевосита коррупция мавзусига бағишлар эканмиз, аввало коррупция сўзининг маъноси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида бу борада амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

да тан олиниб, унга қарши курашининг давлатлар ўртасида мувофиқлаштирилган дастурлари ва бошқа ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилган. Хусусан, БМТнинг "Коррупцияга қарши" конвенцияси глобал доирада қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ушбу ҳужжатнинг лойиҳаси икки йил давомида 130 дан ортиқ давлатлар иштирокида муҳокама қилинган ва 2005 йил декабрь ойида қўлга кирган. Унда коррупцияга қарши халқаро ва миллий кураш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Ҳозирда ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатга 140 та давлат қўшилган ва 80 та давлат тарафдор сифатида қабул қилган. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига бир неча билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилган. Жумладан, Қонуннинг 1-бандига қўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенцияси 6-моддасининг 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб

этилди. Шунингдек, жойларда прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда тизимда коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш масалалари бўйича 2010 йилнинг 30 июлида Наманган шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сайёр ҳайъат кенгашида Республика Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Ш. Раҳматов маъруза қилди. 2011 йилнинг 16 сентябрида Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида Тошкент вилоят прокуратураси ходими Б. Норқўзиев иштирокида мажлис ўтказилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 227-

2011 йил 6 январдаги 12-сонли буйруғи асосида, соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий ва молиявий мутахассислар ма-лакаси ва касбий маҳоратини ошириш ҳамда коррупциянинг олдини олиш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош хисобчилари ва бош иқтисодчилари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги «Бюджет ташкилотлари молия ҳисоб ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида» махсус



Коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланиб, аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. **Этимологик жиҳатдан "коррупция"** – латинча "corruptio", яъни "бузиш, сотиб олиш, пора эвазига оғдириш" деган маънони англатади. Юридик энциклопедияда таъкидланишича, "коррупция – мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият ваколатларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият" деган маънони билдиради.

"Юридик атамалар қомусий лугати"да коррупция – "Давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ғайриқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши" дейилган.

Назариётчи олимлар, сиёсатчи ва амалиётчилар ўртасида коррупция тушунчаси тўғрисида турли-туман фикр ва мулоҳазалар мавжуд бўлиб, кўпчилик уни кенгроқ маънода ифодалашга ҳаракат қилади. Баъзи олимлар пора эвазига сотилишнинг ўзини коррупция деса, баъзилар коррупция бу кенг кўринишдаги жиноий уюшма деб таърифлайди. Назарий талқин этганда коррупция – давлат функциясини бажариш топширилган хизматчиларнинг ўз хизмат мавқеи ва эгаллаб турган мансаби ҳамда у билан боғлиқ бўлган обрўсидан шахсий бойлик орттириш мақсадида ёки бир гуруҳ шахсларнинг манфаатлари йўлида ғараз мақ-



садларда фойдаланишдан иборат бўлган ҳокимиятга путур етказишда ифодаланган жамият учун хавfli ҳодисадир.

Президентимиз И. Қаримов 1998 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда коррупция ҳақида тўхталиб: "Бугунги кунда фақат иқтисодий ётга эмас, балки энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказаяётган энг хавfli иллат – коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавfli тусга кирмоқда", деган эдилар. Шунингдек, Юртбошимиз иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида: "Биз давлат тузилмалари ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш идораларидаги нохуш ҳолатлар – аҳоли кўз ўнгида ҳокимиятнинг обрўсизлантираётган порахўрлик, таъмагирлик ва коррупция кўринишлари билан бундан буён асло муроса қила олмаймиз. Биз бундай иснод келтирувчи ҳодисаларга қарши бутун жамият билан биргаликда кескин курашмоғимиз даркор", дея таъкидлаганлар.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциядан бевосита азият чекадиган бу – жамият ва инсонлар. Шунинг учун ушбу муаммо глобал муаммо сифати-

чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи – давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланганлиги билдирилган.

Барча соҳалар каби Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам коррупцияга қарши курашиш тадбири ижросини таъминлаш ва жойларда назорат ишларини амалга ошириш вазирлигининг Назорат инспекциясига юклатилган бўлиб, ҳудудий бўлимларимизнинг иш режалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг Назорат тафтиш бошқармаси ва уларнинг ҳудудий бўлим бошлиқлари билан келишиб, тасдиқланган. Ушбу йиллик иш режаси асосида соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида текширувлар олиб борилди. Текширувлар якуни бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, натижалар бўйича, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармаларида ҳамда Республика ОИТС маркази, 1-сонли Республика клиник шифохонасида ўтказилган мажлисларда "Коррупция ҳамда суиистеъмчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида" маърузалар қилинди. Бундан ташқари, Назорат инспекциямиз томонидан вазирлиқнинг ҳайъат кенгашида "Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳам асосий масалалар муҳокама

сонли қарори асосида, 2008 йил январь ойидан буён "Соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисида"ги Низом асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги раҳбар кадрларни аттестациядан ўтказиб келмоқдамиз. Тизимдаги раҳбар ходимлар ҳар 3-5 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Соғлиқни сақлаш ташкиллаштириш, бошқариш ва молиялаштириш кафедрасида 144 соатлик малака ошириш курсларида таҳсил олишмоқда. 2010-2011 йиллар январь, февраль, март ойларида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бошқарма бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари бош врачлари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳудудий филиаллар директорлари, Назорат инспекциясининг ҳудудий бўлимлари бошлиқлари, вилоят кўп тармоқли ва болалар кўп тармоқли марказлар бош врачлари махсус бир ҳафталик малака ошириш курсларида ўқидилар. 2012 йилда мазкур ўқишларда вилоят перинатал марказлари бош врачларини ҳам ўқитиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

қисқа муддатли ўқув-семинар курслари ташкил қилиниб, ушбу ўқув-семинар курсларида йил давомида соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий ва молиявий мутахассисларидан 228 нафари таҳсил олди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 15 июлдаги 210-сонли буйруғига асосан, вазирликда ва Қорақалпоғистон Республикаси ССВ, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларида 14 та, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида 197 та "Ишонч телефонлари" ташкил қилинди. Ушбу "Ишонч телефонлари"нинг асосий вазифаси "Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида"ги ва "Фуқаролар муҳофазатлари тўғрисида"ги қонунларнинг ижросини таъминлаш ҳамда вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширишни ўз ичига олади. Бу тўғридаги маълумот «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси ва унинг расмий сайтыда эълон қилинган.

Юқорида амалга оширилган фаолиятлар билан бир қаторда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Сиз коррупцияни тўхтата оласиз" мавзусида махсус буклет тайёрланиб, вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида ўқув қўлланма сифатида тарқатилди. Хулоса сифатида айтишим жоизки, коррупцияга қарши курашда ҳар биримиз ҳамкорликда иш юритишимиз ҳамда бу ишга масъулия билан ёндашишимиз талаб этилади.

Абдушукур СОДИҚОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги
Назорат инспекцияси
бошлиғи
ўринбосари.

Парламент ҳаёти

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузасида таъкидлаганидек: «...бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамisha келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди».

МУСТАҲКАМ ОИЛА -
СОҒЛОМ ТУРМУШ ГАРОВИ

Шу маънода, бугун юртимизда оила институти мустаҳкамлаш, янада такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш вазифаси бош устувор мақсад сифатида қаралмоқда. Хусусан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, улардан туғилмақда зурриётларни жисмонан соғлом, ақлан етук қилиб дунёга келтириш масъулияти бугун барчамизнинг олдимизда турган улкан вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ўтказилган «Мустаҳкам оила жамият пойдевори: балоғат ёшига етмасдан турмуш қуриш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш соғлом турмуш гарови» мавзусидаги давра суҳбатида айнан юқоридаги масалалар ҳақида сўз борди.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вазирлик тасарруфидаги илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Адлия вазирликларининг, Республика Маънави-

ят-тарғибот ва «Оила» илмий-амалий марказлари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХнинг маъсул ходимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда «Соғлом оила - соғлом бола» миллий моделини ҳаётга татбиқ этиш, оилада репродуктив саломатликни яхшилаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, балоғат ёшига етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, эрта турмуш қурган қизлар оилавий ҳаётга, соғлом оналикка жисмонан ва руҳан тайёр бўлмаслиги сабабли, кўлаб қийинчиликка дуч келаётганликлари тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари ижтимоий шерикликни йўлга қўйиб, мавжуд ҳолатнинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир якунида қўмита аъзолари, мутахассислар томонидан билдирилган таклифлар инobatга олиниб, мамлакатимизда оила институти ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар белгилаб олинди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Кўрик-танлов

МЕҲНАТЛАРГА
МУНОСИБ РАҒБАТ

Давлатимиз томонидан қасаба уюшмалари фаолиятига бўлаётган катта эътибор туфайли, мазкур соҳада ҳам катта ўзгаришлар бўлиб, фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши фаолиятида ҳам ижобий натижаларни кузатамиз.



Мазкур кенгаш таркибида 10 та тармоқ қасаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари бўлиб, уларнинг тизимидаги 4668 та қасаба уюшма ташкилотлари ўз сафларида 612 минг 602 нафар қасаба уюшма аъзосини бирлаштирган.

Бирлашма кенгаши томонидан 2007 йилдан бошлаб, «Шаҳар корхоналари ва муассасаларида қасаба уюшма ташкилоти ишини энг яхши ташкил этиш» кўрик-танлови ўтка-


зиб келинмоқда. Жорий йилнинг 16 декабрь куни мазкур танловга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов кириш сўзи билан очиб, тизимда амалга оширилаётган ишларга алоҳида урғу берди ҳамда бир гуруҳ фаоллар ҳамда танлов ғолибларини диплом ва пул мукофотлари билан тақдирлади.

Жумладан, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Кенгаши тасарруфидаги «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» газетаси ҳам «Шаҳар корхоналари ва муассасаларида қасаба уюшма ташкилоти ишини энг яхши ташкил этиш» кўрик-танловида биринчи ўринга ҳамда махсус диплом ва 500 минг сўм пул мукофотига сазовор бўлди.

Албатта, бундай саъй-ҳаракатлар халқимизнинг саломатлиги, турмуш фаровонлиги ва осойишталиги йўлида қилинаётган соҳаватли ишларнинг дебчасидир.

Раъно ҲАСАНОВА.

Ўқув-семинар

МУҲИМ
МАВЗУГА БАҒИШЛАБ

2011 йилнинг 19 декабрь куни пойтахтимизнинг Охунбоев номидаги кўзи ожиз болалар мактаб-интернатида Ўзбекистон кўзи ожиз ва заиф болалар ҳамда ёшларни реабилитация қилиш бўйича «Паноҳ шуъласи» жамғармаси томонидан ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш мавзусига бағишланган очик дарс бўлиб ўтди.



Унда мазкур жамғарма, БМТ (UNAIDS) халқаро ташкилотларининг тренер ва волонтерлари иштирок этиб, машғулотларни олиб бордилар. Кенг қамровда ўтказилган ўқув-семинарида ўқувчилар мавзу бўйича саҳна кўринишларини ҳам намойиш этишди.

Бўлиб ўтган ушбу ўқув-семинари муҳим мавзуга бағишланган бўлиб, бу нафақат юртимиз, балки бутун дунёнинг глобал муаммосига айланганлиги ҳаммамизга маълум. Шу боис, бундай тадбирлар, айниқса, ёшлар ўртасида тез-тез ўтказиб турилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқув жараёнида мактаб-интернат ўқувчиларининг ушбу касаллик бўйича тушунчалари ва ўз фикрлари борлиги ҳамда саҳна кўринишидаги иштироклари уларнинг тиббиёт фани бўйича билимга чанқоқликларини кўрсатди, - дейди «Паноҳ шуъласи» жамғармаси раиси Иброҳим Шарипов.

Нигора ИБРАГИМОВА.

Актуальная тема

ЕЩЁ РАЗ НАПОМИНАЕМ О ГРИППЕ

Грипп - это острое инфекционное заболевание вирусной этиологии. Источником инфекции является больной человек. От больного здоровому вирус передается легко, воздушно-капельным путём: при разговоре, кашле, чихании. Восприимчивость к гриппу высокая. Если человек перенес заболевание, вызванное вирусом гриппа А, он не защищён от гриппа В. К тому же при гриппе А существует множество вариантов: грипп А, А-1, А-2, А-2 (Виктория), А-Гонконг и др. Учитывая легкость передачи возбудителя, высокую восприимчивость населения, характерный для гриппа являются быстрота распространения и массовость поражения. Поэтому заболевшие гриппом должны быть немедленно изолированы.

В то же время у многих людей существует неправильное представление о заболевании гриппом, которые считают, что это обычная простуда, бояться ее не стоит. Причём никто не задумывается о том, что не так страшен грипп, как его осложнения: от воспаления легких до поражения сердечно-сосудистой, центральной нервной системы и даже летального исхода. Для гриппа также характерно то, что он вызывает обострение хронических заболеваний, которые до болезни гриппом находились в стадии ремиссии, т.е. не проявляли себя.

Многие люди представляют, что грипп можно перенести на

ногах. Рассуждающие так лица рискуют своим здоровьем, т.к. возможны осложнения, которые придётся лечить значительно дольше чем грипп. Кроме того, заболевший гриппом и продолжающий работать заражает окружающих непосредственно в семье, коллективе, транспорте.

И ещё одно предостережение - не занимайтесь самолечением, не начинайте без назначения врача прием антибиотиков, т.к. на вирусы гриппа они не действуют. При гриппе большую пользу принесут так называемые симптоматические средства: отхаркивающие препараты, медикаменты, снижающие болевой синдром, сердечные. Но их также должен назначить врач.

При гриппе характерным признаком является интоксикация организма, вызывающая ломоту всего тела, головную и мышечную боль. Больного следует уложить в постель и вызвать врача на дом.

Грипп легче предупредить, чем лечить: меры профилактики гриппа могут быть индивидуальными и коллективными.

Самой современной и надежной защитой от гриппа являются прививки. В последние годы используются высокоэффективные, безопасные вакцины: инфлювак, ваксигрип. В первую очередь следует прививать людей, относящихся к группе риска, - это дети, лица с заболеванием сердечно-сосудистой системы, органов дыхания, диабетом, старше 65 лет. Это - коллективные меры.

Индивидуальной мерой защиты является ношение 4-слойной марлевой маски, смазывание носовых ходов оксалиновой мазью.

Для повышения устойчивости организма к вирусам гриппа рекомендуется широко использовать витамины «С», «А», группы В в возрастных дозировках. Как витаминный препарат можно применять сироп или настой из плодов шиповника.

Хороший эффект оказывает применение экстракта элеутерококка - препарата из корня дальневосточного кустарника, обладающего общеукрепляющим свойством, повышающим неспецифическую защиту организма. Применяется в виде 25-30-дневного курса взрослым по 30-40 капель на приём 2 раза в день, детям - по 1 капле на год жизни также 2 раза в день.

К мероприятиям, повышающим сопротивляемость организма к гриппу, относятся закаливающие процедуры, но их следует проводить систематически, с учетом индивидуальных особенностей организма, а также занятия спортом.

Немаловажное значение имеет температурный режим в помещениях, одевание в соответствии с сезоном, так как простуда является фоном для вирусной инфекции.

Фарида
ХОЛМУХАМЕДОВА,
зав. эпид. отделом
ЦГСЭН г. Ташкента.

Долзарб мавзу

ОИВ/ОИТС КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШДА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Маълумки, бугунги кунда дунё бўйича ОИВ инфекцияси тарқалиши муҳим муаммолардан бири ҳисобланиб, ер шарининг барча ҳудудларида қайд этилиб, дунёдаги давлатлар қатори юртимизда ҳам бу касаллик кузатишмоқда. Республикада бу касалликнинг эпидемик тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида давлат миқёсида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар Ўзбекистон Республикаси «Одам иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги давлат Қонуни ва «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1023-сон Президент Қарори талаблари асосида олиб борилмоқда.

Жумладан, бу борадаги фаолиятлар Навоий вилоят ОИТСга қарши кураш маркази томонидан ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Айниқса, вилоят ИИБ бошқармаси ва бошқа масъул ташкилотлар томонидан ҳамкорликда тасдиқланган чора-тадбирлар режаси асосида вилоятнинг барча ҳудудларида хавфли гуруҳлар орасида бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилди, яъни вилоят аҳолиси орасида ахлоқ ва одоб доирасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, “хавфли гуруҳлар”га мансуб шахсларни аниқлаш ҳамда ОИТС ва бошқа тери-таносил касалликларининг аҳоли ўртасида тарқалишига йўл қўймаслик борасидаги ишларни кучайтириш мақсадида “Орият” профилактик тадбирлари ўтказилди. Тадбирлар жараёнида хавфли гуруҳларга мансуб шахслар камраб олиниб, улар орасида профилактик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Вилоят аҳолиси ўртасида “хавфли гуруҳ”га мансуб бўлган шахслар, яъни гиёҳвандлар, енгил табиатли шахслар, таносил касалликлари билан касалланган шахслар, ишчи мигрантлар билан тушунтириш ишлари олиб бориб, улар тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўрик жараёнида таносил ва ОИВ касалликлари аниқланган шахслар диспансер назорати олинди, соғломлаштириш ишлари ўтказилди. Вилоятда ички ишлар ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, прокуратура, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари вилоят ва шаҳар бўлимлари, маҳалла жамғармаси, диний идора вакиллари, “Камолот” ЁИХ вилоят бўлими ва тиббиёт ходимлари ҳамкорлигида хавфли гуруҳлар ҳамда ёшлар ўртасида бир қатор профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Хавфли гуруҳларга мансуб бўлганлар орасида ОИВ инфекциясини аниқлаш мақсадида вилоятдаги жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ҳам мунтазам равишда профилактик тадбирларга қамраб олиниб, ОИВ инфекциясига текшириш учун вилоят ички ишлар бошқармаси тиббий санитария қисм таркибида ОИВ касаллигига ташхис ўтказадиган лаборатория ташкил қилиниб, замонавий тиббий жиҳозлар ва малакали мутахассислар билан таъминланди. Жазони ижро этиш муассасасини тарқ этишдан олдин маҳкумлар билан тушунтириш ишлари олиб борилиб, озод бўлган фуқароларга

вилоят кўникма маркази томонидан моддий ёрдам кўрсатилиб, уларни иш билан таъминлаш учун меҳнат бўлимларига йўланмалар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 17 ноябрь 2009 йилда тасдиқланган “Тартиб” ижросининг вилоятда таъминланиши юзасидан ҳамда вилоят аҳолиси ўртасида чет элга чиқувчи ва қайтиб келувчи шахслар орасида ОИВ инфекцияси билан касалланиш ҳолатини аниқлаш, касалликнинг олдини олиш борасида масъул бошқармалар, ташкилот-

шириш йўлга қўйилди. Ўтказилган текширишлар натижасида четга чиқиб келган шахсларда ОИВ инфекцияси аниқланган. Уларнинг ўзлари ва оилалари билан суҳбатлар ўтказилиб, уларни соғломлаштириш мақсадида диспансер назоратига олинди.

ОИВ инфекцияси шифохона ичида тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар талаб даражасида бажарилиши, яъни тиббий жиҳозларнинг де-



лар ҳамда тиббиёт ходимларининг ОИВ касаллиги бўйича малакасини ошириш мақсадида «Ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари орасида ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш» мавзусида ва марказнинг “Ресурс ўқув маркази”да вилоят маънавият маркази мутахассислари, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Навоий вилоят филиали ҳамда туман бўлимлари мутахассислари, вилоят касб-хунар таълими бошқармаси, халқ таълими, ички ишлар, меҳнатни муҳофаза қилиш, диний идора ва бошқа масъул соҳа мутахассислари учун “ОИВ инфекциясининг олдини олишда ҳуқуқат қарорларининг моҳияти “Мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари орасида ОИВ инфекциясининг профилактикаси”, “ОИВ инфекцияси этиологияси, диагностикаси, давоси ва профилактикаси” мавзуларида семинар-тренинглар ўтказилди.

Вилоятдан четга чиқувчи ва четдан келган фуқароларнинг ўзлари, оила аъзоларини ОИВ касаллиги тўғрисидаги хабардорлигини ошириш мақсадида мутахассислар томонидан ҳонадонларда тиббий-ижтимоий патронаж ўтказилиб, суҳбат, тушунтириш ишлари олиб борилди ва аҳоли орасидан четга чиққан ҳамда келган шахсларни ОИВ касаллигига ихтиёрий тек-

зинфекция ва стерилизация қоидалари мавжуд ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар талаблари асосида олиб борилиши юзасидан вилоятдаги барча даволаш муассасаларида вилоят, шаҳар ва туман ДСЭНМлари ва вилоят ОИТСга қарши кураш маркази ходимлари томонидан доимий мониторинг ўтказилмоқда. Бугунги кунда вилоятдаги даволаш муассасалари бир марталик тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

ОИВ касаллиги қон орқали юқишининг олдини олиш, донор қонлари ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини ҳамда юқоридаги ҳуқуқат қарорларининг ижросини талаб даражасида таъминлаш мақсадида ушбу масала бир неча бор вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳайъат ва вилоят ДСЭН марказининг санитария-эпидемиология кенгашларида таҳлил қилиниб, тегишли қарорлар ва уларнинг ижроси юзасидан буйруқлар ишлаб чиқилиб, бажарилиши таъминланмоқда. Вилоят қон қуйиш станцияси, туман қон қуйиш бўлимларида донор қонлари ва унинг таркибий қисмлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда барча донорлар қонларини мажбурий равишда ОИВ инфекциясига текшириш йўлга қўйилган.

Донор қонлари хавфсизлиги-



беморлар умрларини узайтириш ҳамда касалликни ондан болага ўтишининг олдини олиш мақсадида ретровирусларга қарши даво препаратлари (АРВТ дорилари) профилактик мақсадда қўлланилиб, беморлар соғломлаштириб келинмоқда ва бу борадаги фаолиятлар бўйича оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил қилинган.

